

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВ МЕХРОЖ СИРОЖХОНОВИЧ

**СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Хамроев Мехрож Сирожхонович

Суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини
такомиллаштириш..... 3

Хамроев Мехрож Сирожхонович

Совершенствование инновационной деятельности рынка страховых
услуг..... 27

Khamroev Mehroj Sirojkhonovich

Improving the innovative activity of the insurance services
market 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ХАМРОЕВ МЕХРОЖ СИРОЖХОНОВИЧ

**СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1166 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.issue.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зайналов Жаҳонгир Расулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бурханов Ақтам Усманович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Обиддин Тошмурзаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» 12 соат 1138 дақи мажлисида бўлиб утади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кучаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@issue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1096 рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кучаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@issue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «3» 12 кун тарқатилди.
(2021 йил «3» 12 дақи 38 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К.Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда суғурта хизматларига бўлган талаб мунтазам равишда ортиб бормоқда, буни глобал иқлимнинг ўзгариши, технологик инновацияларнинг ривожланиши, кибер рискларнинг тобора авж олиши ҳамда пандемия оқибатларининг юзага келиши билан тавсифлаш мумкин. «Суғурта хизматлари бозори тез суръатларда ривожланмоқда, бунга бизнеснинг янги йўналишлари пайдо бўлаётгани, хизмат кўрсатиш соҳасига инновацияларнинг татбиқ этилаётгани сабаб бўлмоқда»¹. «Ривожланган давлатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдори 847 еврога ташкил этиб, йиллик ўртача 127,2 фоизга ўсмоқда»². Бу кўрсаткичнинг ўсиш динамикасини ошириш суғурта бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият самарадорлигини унинг инновацион ривожланиши асосида таъминлаш, хусусан, суғурта фаолиятини ташкил этиш сифатини ошириш, соҳада инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ошириш борасида илмий изланишларни жадаллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Жаҳонда суғурта хизматлари бозорида инновацияларни яратиш ва қўллашнинг суғурта компанияларининг рақобатбардошлиги ошиши, суғурта майдонининг кенгайиши, шу билан бирга молиявий барқарорлиги таъминланишига таъсири бўйича халқаро амалиётда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар суғурталовчилар фаолиятида анъанавийлик тамойилидан янгилик киритиш тамойилиги ўтиш орқали суғурта хизматлари бозорида янги услубда намоён бўлиш, потенциал мижозларга кенг турдаги ва эҳтиёжбоп маҳсулотларни таклиф этишни назарда тутди. «Инновацион салоҳият, инновацион фаоллик ва инновацион рисклар суғурта компаниясининг инновацион фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омилларни шакллантиради»³. Суғурталовчиларнинг стандарт суғурта хизматларини тақдим этиши, аҳолининг талабларини инобатга олмаслик ва маркетинг тадқиқотларини амалга оширмаган ҳолда анъанавий турда фаолият юритиши рақобатчилар орасида ўз мавқеини йўқотишига, иш юритиш харажатлари миқдори ошишига олиб келиши мумкин. Суғурта амалиётида анъанавий суғурта фаолиятини такомиллаштириш ва инновацион фаолиятни яратишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда суғурталовчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакат суғурта бозорида фаол қўллашни ташкил этиш долзарб аҳамият касб этади. Иқтисодий глобаллашув шароитида «миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта

¹ The International Association of Insurance Supervisors, Strategic Plan 2020-2024, June 2019 <https://www.iaisweb.org/2020-2024-strategic-plan>

² <http://www.kafolat.uz> – «KAFOLOT sug'urta kompaniyasi» АЖнинг расмий сайти маълумотлари.

³ Ступичева Яна Геннадьевна. Пути совершенствования управления инновационными процессами в страховании. Институт Государственного управления, права и инновационных технологий (ИГУПИТ) Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» №2 2019. стр.6

хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш»⁴ талаб этилади. Мазкур талабларнинг бажарилиши миллий суғурта компанияларининг суғурта майдонини кенгайтириш билан бир қаторда халқаро молия бозорларига интеграциясини таъминлайди ҳамда улкан суғурта салоҳиятини юзага келтиради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-780-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта хизматлари бозорини инновацион ривожлантириш масалалари мамлакатимиздаги, шунингдек қатор халқаро ва даврий нашрларда кўриб чиқилган. МДҲ мамлакатларининг етакчи олимларидан Балабанов И.Т., Медынский В.Г., Фатхутдинов Р.А., Попов В.Л., Шахов В.В., Внукова Н.М., Ткаченко Н.В., Шихов А.К., Поклонский Ф.Е., Журавлёв Ю.М., Секерт И.Г., Бурков В.Н., Заложнев А.Ю., Кулик О.С., Новиков Д.А.⁵, мамлакатимиз олим ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли Қарори.

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида ишлаб чиқилган: Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2001. – С. 41.; Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 28.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2004. – С. 19.; Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. – С.: ИНФРА-М, 2009. – С.11.(С. 337); Шахов В.В. Страхование. – М.: ЮНИТИ, 2003. – 311 с.;

мутахассисларидан Абдуллаева Ш.З., Зайналов Ж.Р., Шеннаев Х.М., Умаров С.А., Кўлдошев Қ.М., Абдурахмонов И.Х., Халикулова Г.Т., Кенжаев И.Ф., Маврулова Н.А., Адилова Г.Д.⁶ кабилар суғурта соҳасида инновацияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш борасида, Ўзбекистон суғурта бозорининг долзарб масалалари бўйича муайян тадқиқот ишларини олиб борган. Бундан ташқари, диссертация ишини бажаришда етакчи иқтисодчиларнинг иқтисодиёт ва инновацияларнинг турли соҳаларида олиб борган тадқиқот ишлари, назарий ёндашувлари соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Christensen С., Шумпетер Й., Кондорсе Ж., Хучек М., Druker P., Manes A., Styuart T., Tompson A.⁷ каби хорижлик тадқиқотчилар ушбу муаммоларни ҳал қилишда салмоқли ўринга эга. Танланган мавзунинг айрим жиҳатлари дарсликлар ва даврий нашрларда кенг ёритилган. Суғурта бозори фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда соҳада инновацияларни яратиш, шунингдек, инновацион жараёнларга инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш суғурта фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада оширишга олиб келади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Внукова Н.М. Страхування: теорія та практика // Н.М.Внукова, Л.В.Временко, В.І.Успенко. – Харків: Бурун-книга, 2004. – 376 с.; Ткаченко Н.В. Страхування / Н.В.Ткаченко. – К.: Ліра-К, 2007. – 376 с.; Шихов А.К. Страхование / А.К. Шихов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. – 2000. – 376 с.; Поклонский Ф.Е. Формирование финансового обеспечения негосударственных пенсионных фондов через привлечение финансов домохозяйств // Вестник Донбасской государственной машиностроительной академии. – 2015. – № 2 (35). – С. 137-142.; Журавлёв Ю.М. Страхование и перестрахование: теория и практика / Ю.М.Журавлёв, И.Г.Секерт – М.: Изд. центр «АНКИЛ», 2001. – 298 с.; Бурков В.Н. Механизмы страхования в социально-экономических системах / В.Н. Бурков, А.Ю. Заложнев, О.С. Кулик, Д.А. Новиков. – М.: ИПУ РАН, 2001. – 109 с.;

⁶ Абдуллаева Ш.З. Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил 2-бет.; Инновацион молиявий хизматлар: муаммо ва ечимлар. Монография. Муаллифлар жамоаси / Зайналов Ж.Р. умумий таҳрири остида – Т.: Иқтисод-Молия, 2013. – 264 б.; Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2020. – 368 б.; Умаров С.А. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Иқт.ф.д.дисс... – Т.: 2012. – 384 б.; Кўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. – Т.: Иқтисод-Молия, 2011. – 124 б.; Абдурахмонов И.Х. Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия, 2018. – 415 б.; Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Э., Кенжаев И.Ф. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. – 248 б.; Халикулова Г.Т. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2019. -62 б.; Кенжаев И.Ф. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2019. -59 б.; Маврулова Н.А. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2019. -62 б.; Адилова Г.Д. Иқтисодий глобаллашув шароитида суғурта хизматларини такомиллаштиришнинг йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2020. -60 б.

⁷ Christensen С. We are living the capitalist’s dilemma. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://edition.cnn.com/2013/01/21/business/opinion-claytonchristensen/index.html>; Кондорсе Ж. Инновационный менеджмент. Учеб. Пособие / Под ред. В.М. Аньшина, А.А. Дагаева. – М.: Дело. 2003. – С.10.; Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Эксмо, 2007. 862 с.; Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение / М. Хучек. – М.: луч, 1992. – С.17; Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 1818 H Street, NW, 2010. – P.28. (P. 436.); Руководство Осло. Рекомендации по сбору и анализу данных о инновациях. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://www.uis.unesco.org/Library/Documents/OECD Oslo Manual 05_rus.pdf](http://www.uis.unesco.org/Library/Documents/OECD%20Oslo%20Manual%2005_rus.pdf); Innovation in the insurance industry. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.navg.com/resources/RC%20NAVIGATORS%20REPRINT.PDF>; OECD (2018), Financial Markets, Insurance and Private Pensions: Digitalisation and Finance. – 2018. – P. 14. URL: <https://www.oecd.org/finance/Financial-markets-insurance-pensions-digitalisation-andfinance.pdf>.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини назарий ва амалий муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғурта фаолияти самарадорлигини оширишда инновацияларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

суғурта компанияларида андеррайтерлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва тўлов қобилиятини таъминлашда скоринг тизимини жорий этиш;

Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш ва уни инновацион ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истикболларини аниқлаш;

суғурта фаолиятини инновацион ривожлантириш соҳасидаги хорижий тажрибани таҳлил қилиш;

суғурта соҳасида инновацияларни яратиш ва фаолиятга жорий этишнинг суғурта компанияларининг молиявий натижаларига таъсирини тадқиқ ва таҳлил қилиш;

суғурта фаолиятини такомиллаштириш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш механизминини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети суғурта соҳасидаги инновацион жараёнлар иштирокчилари ўртасидаги ташкилий ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таснифлаш, таққослаш, тизим ёндашуви, функционал ёндашув, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

камбағалликни қисқартириш ва кекса ёшли қатламнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида «мажбурий аннуитет суғуртаси» (қўшимча пенсия суғуртаси) тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

божхона тўловларининг кечиктирилиши жавобгарлигини суғурталашда миқдорлардан гаров ундирилишини талаб қилиш таклиф этилган;

суғурта компаниясининг андеррайтерлик фаолияти самарадорлигини бошқариш, суғурта мукофотларининг миқдорлар учун мувозанатли бўлишини таъминлаш мақсадида скоринг тизимини киритиш таклиф этилган;

«KAPITAL SUG'URTA» суғурта компаниясининг суғурта майдонини кенгайтириш, суғурталаш кўламини ошириш, потенциал миқдорлар базасини шакллантириш ҳамда анъанавий суғурта маҳсулотларига янги сифатларни

жорий қилиш мақсадида компаниянинг маркетинг бўлимида «инновацион гоёлар» бўлинмаси ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғурта фаолиятини инновацион ривожлантириш шартлари аниқланди, бу соҳадаги инновацион жараёнларни бошқариш усуллари, механизмлари ва технологияларини доимий такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган;

суғурта фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида суғурта компанияларининг саноат, молия, банк ва инвестиция тузилмалари билан ўзаро алоқалари ва уларни яратиш асосида суғурта соҳасидаги интеграция жараёнларини амалга ошириш зарурлиги асосланган;

инновацияларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қиладиган, инновацион гоёларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиришга қаратилган махсус бўлинмаларни ташкил этиш таклиф этилган;

скоринг тизимининг амалиётга жорий қилиниши суғурта шартномасини расмийлаштириш бўйича қарорларни қабул қилиш сифатини оширишга, агентлар ҳамда суғурта қилдирувчилар томонидан фирибгарликнинг рўй бериш хавфини камайтиришга ва шартномаларни тўлдиришдаги хатоликлар, бузилишларнинг олдини олишга хизмат қилган;

суғурта фаолиятига инновацияларни жорий этиш натижасида суғурта компаниясининг молиявий ҳолати яхшиланган ва суғурталаш майдони кенгайишига эришилган;

суғуртанинг ихтиёрий турларида E-polis тизимидан фойдаланиш натижасида суғурта компанияларининг инновацион фаолияти такомиллашиши, жумладан, суғурталаш кўлами кенгайиши, суғурталаш жараёни соддалашиши, иш юритиш харажатлари тежалиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта ташкилотларининг расмий эълон қилинган маълумотлари ва молиявий ҳисоботлари, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги ҳамда таклифларнинг тегишли суғурта компаниялари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда келтирилган асосий назарий қоидалар ва хулосалар инновацияларни бошқариш назариясига маълум бир ҳисса қўшади ва ундан суғуртанинг инновацион ривожланишини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг суғурта компаниялари фаолиятида қўлланилиши, уларнинг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистонда аҳоли боқимандалигининг олдини олиш ва кекса ёшли қатламнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида «мажбурий аннуитет суғуртаси» (қўшимча пенсия суғуртаси) тизимини жорий этиш таклифи «Euroasia Life» АЖ суғурта компанияси томонидан қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган («Euroasia Life» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 21 сентябрдаги 13/1021-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида пенсия ёшидаги аҳолининг фаровон турмуш тарзи, қўшимча даромадга эга бўлиши, иқтисодиётдаги боқимандаликнинг бартараф этилишига эришилган. Шунингдек, бу тизим ҳаёт суғурта тармоғида узок муддатли инновацион суғурта хизматининг яратилиши ва кафолатланган тўловларни амалга ошириш тизимининг барқарорлашишида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилган;

божхона тўловларининг кечиктирилиши жавобгарлигини суғурталашда мижозлардан гаров ундирилишини талаб қилиш бўйича берилган таклиф «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясида тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида қўлланилган («KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 28 июндаги 01/1345-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида божхона тўловларининг кечиктирилиши жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тузишда суғурталанувчилардан гаров ундириш тартиби қўлланила бошланган. Гаров эвазига суғурталанган мижозларнинг божхона тўловларини ўз муддатида тўлашига эришилган. Суғурта ҳодисаларининг содир бўлиши, яъни божхона тўловларини ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари 2020 йилда ўтган 2019 йилга нисбатан 50 фоизга камайган;

суғурта компаниясининг андеррайтерлик фаолияти самарадорлигини бошқариш, суғурта рискларининг зарарлилиги бўйича тезкор қарор қабул қилиш, суғурта мукофотларининг мижозлар учун мувозанатли бўлишини таъминлашда скоринг тизими асосида аниқлаш бўйича таклифи «KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компанияси амалиётида потенциал мижозларга тарифларни белгилашда фойдаланилган («KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 28 июндаги 01/1345-сон маълумотномаси). Мазкур механизмнинг амалиётда қўлланилиши натижасида суғурта компанияси фаолиятида суғурта рискларини таҳлил қилиш, уларни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида тезкор қарор қабул қилиш, мақбул суғурта ставкасини ўрнатиш, фирибгарлик рўй бериш эҳтимоллигини аниқлаш имкониятлари юзага келган. Компанияда рискларни скоринг асосида таҳлил қилиш орқали 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1,2 млрд.сўм миқдориди харажатлар тежалишига ва суғурталанувчилардан суғурта тарихига мувофик мукофотлар ундирилишига эришилган;

«KAPITAL SUG'URTA» суғурта компаниясининг суғурта майдонини кенгайтириш, суғурталаш кўламини ошириш, потенциал мижозлар базасини шакллантириш ҳамда анъанавий суғурта маҳсулотларига янги сифатларни жорий қилиш мақсадида компаниянинг маркетинг бўлимида «инновацион

ғоялар» бўлинмаси ташкил этилган. Ходим томонидан берилган янги ғоялар аҳамиятлилик ва фойдалилик даражасига кўра компанияда 1-5 баллик моддий раҳбатлантириш тизими йўлга қўйилган («KAPITAL SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 28 июндаги 01/1345-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида суғурта компаниясида инновацияларни яратиш бўйича тадбирлар амалга оширилган. Янги суғурта маҳсулотларини яратиш ва тижоратлаштириш механизмидан фойдаланиш натижасида 2020 йилда тузилган суғурта шартномалари сони 850 тани ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Инновацияларнинг назарий асослари, уларнинг иқтисодийни модернизациялаш шароитидаги аҳамияти ва самаралари**» деб номланиб, унда суғуртанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва функциялари, инновацияларнинг иқтисодий мазмуни ва иқтисодийни модернизациялашдаги аҳамияти соҳа олимлари талқинида қай тарзда ёритилгани ўрганилган, суғурта фаолиятида инновацияларни қўллашнинг зарурлиги, уни яратиш ва жорий этиш механизмлари ҳамда уларнинг таснифланиши таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериш эҳтимоллигининг мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди. Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди.

Йигирма биринчи асрнинг бошларида жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти фан ва техниканинг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлди, бу янги билимларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга мослашиш орқали моддий соҳада меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳозирда инновациялар жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади, шу сабабли илмий-техник тараққиётнинг, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий шarti сифатида инновацион жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш зарурати юзага келади, пировард натижада фаолият юритишнинг янги усулларини ва ишлаб чиқариш технологиясини жорий этувчи ҳар бир иқтисодий субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлашга эришилади.

Замонавий ривожланиш ва рақобат шароитида суғурта компаниясининг мақсади тезкорлик билан бозор конъюнктурасига жавоб бериш, потенциал суғурталанувчиларнинг суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини англаш ва уларни сифатли қондиришга қаратилган бўлиши керак, бу эса ўз навбатида суғурта компанияси имиджига ижобий таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш керакки, инновация суғурта компаниясининг асосий рақобатдош устунлиги ҳисобланади, чунки ўзгарувчан бозор муҳити шароитида суғурталанувчилар эҳтиёжларини англаш ва талабларнинг ўзгарувчанлигига жавоб бериш суғурта компанияси муваффақиятининг калитидир. Шунинг учун улар истеъмолчилар учун қулай ва тушунарли бўлган инновацион хизматни тақдим этиши ва янги ностандарт ечимларни, рақобатчиларнинг суғурта маҳсулотлари ва хизматларидан фарқ қиладиган хизматларни таклиф қилиши, шунингдек суғурталовчиларнинг ўзига хос суғурта маҳсулотлари ва хизматларини яратиш орқали мижозларнинг келажақдаги эҳтиёжларини тахмин қила олиши мумкин бўлади. Бугунги кунда суғурта фаолиятида инновацияларнинг тўртта кўриниши амал қилади⁸:

1. Маҳсулотни янгилаш – бунда янги ёки сифат ҳамда фойдаланиш имкониятлари жиҳатидан такомиллаштирилган хизматларни жорий этиш тушунилади. Бунга интернет орқали инновацион суғурта хизматларини кўрсатишни мисол сифатида келтириш мумкин.

2. Жараённинг янгиланиши – бунда суғурта хизматини кўрсатиш ҳамда яратишнинг янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларини жорий этилиши тушунилади.

3. Маркетинг инновациясида суғурта хизматини бозорда тарғиб қилиш борасида сезиларли ўзгаришларни ўз ичига олган янги маркетинг воситасини жорий қилиш тушунилади. Унга кўра, инновациялар мижозларнинг эҳтиёжини қондириш, янги бозорларни очиш орқали суғурта мукофотлари ҳажмини оширишга қаратилади.

4. Ташкилий инновациялар суғурта фаолиятини юритишда, иш ўринларини ташкил этишда ва ташқи муносабатларда янги ташкилий усулларнинг жорий этилишини назарда тутди.

⁸ Руководство Осло. Рекомендации по сбору и анализу данных о инновациях. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://www.uis.unesco.org/Library/Documents/OECD OsloManual05_rus.pdf

Суғурта фаолиятида инновацияларни қўллаш – бу суғурта компанияларининг самарали ишлашнинг таъминлаш мақсадида янги суғурта хизматларини ишлаб чиқиш, суғурта маҳсулотининг ҳаётий циклини таъминлайдиган тизимни яратиш ва суғурта муносабати иштирокчиларининг умумий фаолият тизимини такомиллаштириш учун илмий ғоялар ва билимлардан фойдаланиш жараёнидир. Ушбу таърифга биноан ишда маҳаллий ва хорижий амалиётга таянган ҳолда суғуртанинг инновацион ривожланиши турли томондан кўриб чиқилган:

биринчидан, мутлақо янги суғурта хизматини яратиш;

иккинчидан, бозорда қўллаб келинаётган суғурта хизматини унда янги сифатларни кашф қилган ҳолда такомиллаштириш;

учинчидан, суғурта бозорида машҳур бўлмаган суғурта маҳсулотини илгари суриш ва уни ушбу бозорда янгилик сифатида тарғиб қилиш.

Суғурта бозорида аксарият ҳолларда янги суғурта маҳсулоти жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган янги сифатларга эга бўлган эски маҳсулотнинг модификацияси ҳисобланади. Суғурта фаолиятидаги энг зарурий инновация – бу суғурта ҳодисаси юз берганда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳисобланади, бу эса янги илғор технологияларни жорий этишни талаб қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида энг кўп талаб қилинадиган инновация суғурта хизматларини сотишнинг янги каналларини ривожлантиришга қаратилган инновация ҳисобланади. Суғурта маҳсулотини бозорга киритиш босқичида уни сотиш ҳажмини ошириш учун маҳсулотни сотишнинг янги усулларини яратиш керак. Бундай истиқболли усуллардан бири бу интернетдан фойдаланган ҳолда сотувни ташкил этишдир. Мамлакатда интернетнинг фаол ривожланишини ҳисобга олган ҳолда суғурта компаниялари ўзларининг электрон веб-сайтларини ривожлантириш ва ўз вақтида модернизация қилишга эътибор беришлари керак. Сотиш ҳажмининг ошиши билан бир қаторда хизматларнинг интернет орқали кўрсатилиши суғурта компаниясининг фойдаси ўсишига, бизнес харажатларининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Инновацион фаолиятни ташкил қилишда суғурталовчилар ўз олдларига қўйган асосий мақсад суғурта фаолиятини ташкил этишнинг янги усулларини қўллаш, янги маҳсулотларни жорий этиш, компания бизнес жараёнларини оптималлаштириш орқали молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат. Суғурта соҳасида инновацияларни жорий этишда кўплаб омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, масалан маълум бир мамлакатда жорий этилган янги суғурта маҳсулотлари бошқа давлатлар суғурта тизимига мувофиқ келмаслиги мумкин. Суғуртада инновацияларни жорий этиш мамлакатнинг барча иқтисодий омиллари (иқтисодий ўсиш, қайта молиялаштириш ставкаси, суғуртанинг ривожланиш даражаси ва ҳуқуқий асослари) билан бирга ижтимоий ва сиёсий омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Умуман олганда, суғуртада инновациялар суғурталовчилар ва умуман суғурта бозори таянадиган фаолият

йўналишларини ҳисобга олган ҳолда турли мезонларга мувофиқ таснифланади (1-расм).



1-расм. Суғуртада инновацияларни таснифлаш⁹

Юқорида таҳлил этилганларни умумлаштириб шуни таъкидлаш керакки, суғурта соҳасидаги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун суғурталовчининг инновацион фаоллигини, суғурта фаолиятини ташкил этиш сифатини ошириш, инвестиция манбаларидан мақбул фойдаланиш ва ташқи муҳит билан оқилона муносабатларни ўрнатиш лозим. Бундай чоратадбирларнинг нафақат суғурта компаниялари, балки бозорнинг барча иштирокчилари томонидан амалга оширилиши истикболда суғурта фаолияти самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини инновацион ривожлантириш амалиёти ва унинг молиявий натижаларга таъсири**» деб номланган иккинчи бобида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва унда автоматлаштирилган скоринг тизимини жорий этиш механизми ёритилган. Шунингдек, мамлакат суғурта амалиётида инновацияларнинг жорий этилиши ва уларнинг суғурта компаниялари молиявий натижаларига таъсири ҳамда Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Суғурта компаниялари мижозлар томонидан таклиф этиладиган рискларни ўз зиммасига қабул қилар экан, уларнинг характерини ўрганиш ва рўй бериш эҳтимоллигини аниқлаш ташкилотдан тезкор қарор қабул қилишни тақозо этади. Рисклар, шунингдек аниқ далилларга ва статистик маълумотларга асосланган суғурта рейтинглари асосида ҳам башорат қилинади¹⁰.

⁹ Расм муаллиф томонидан ишланган.

¹⁰ <http://www.insur-info.ru/> – суғуртага оид маълумотлар сайти.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, скоринг тизими маълум бир объект билан суғурта ҳодисасининг содир бўлиш хавфини кўрсатадиган аниқ кўрсаткичдир. Скоринг – «scoring» – инглизча «score» сўздан олинган бўлиб, очко ёки балларни ҳисоблаш деган маънони билдиради¹¹. Суғурта фаолиятида скорингга объектни суғурталаш бўйича қарор қабул қилишнинг асоси, суғурта рискларини баҳолаш тизимининг усули сифатида қараш мумкин. Скоринг тизими суғурталанувчиларга суғурта мукофотларини кам миқдорда тўлаш имконини беради. Суғурта компаниялари ўз фаолиятида бундай амалиётни қўллаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, акс ҳолда унчалик хавфли бўлмаган миждозлар хавфлироқ миждозлар учун пул тўлашига сабаб бўлади. Хориж тажрибасининг кўрсатишича, 2002 йилда АҚШнинг Мериленд штатида ҳукумат кўчмас мулк ва автомобил суғуртасида кредит маълумотларидан фойдаланишни кескин чеклади. Натижада миждозлар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари ҳажми 14 фоизга ошди, бу эса тўғридан-тўғри суғурталанувчиларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш кўламини қисқартирди.

Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобатнинг кучайиши андеррайтерлар учун қуйидаги мураккаблик даражасини келтириб чиқармоқда, булар: рақобатчиларнинг фаол демпинг сиёсатини қўллаши шароитларида миждозлар базасини сақлаш, суғурта хизматлари сифатини ошириш ва бизнеснинг рентабеллигини талаб даражасида сақлаш. Суғурта компаниялари дуч келадиган асосий муаммо суғуртада андеррайтерлик жараёнини ташкил этиш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш, уларга суғурталанувчиларнинг индивидуал рисклари билан тезкор ишлашга имкон бериш ва суғурталовчининг андеррайтинг натижасини яхшилаш зарурати ҳисобланади.


Суғурта компаниясининг умумий зарарларини камайтиришни эса қуйидагилар орқали амалга ошириш мумкин: суғурта рискларига чидамли объектларни танлаш, масалан, ёнғинга чидамли биноларни ёнғиндан суғурталаш; суғурталовчининг жавобгарлик миқдорини чеклаш; объектнинг рискларга чидамлилигини ошириш бўйича профилактик чораларни амалга ошириш, масалан, объектни ёнғинни бартараф этадиган тизим билан жиҳозлаш; қайта суғурталаш тизимини ишлаб чиқиш¹². Табиийки, бундай шартларнинг бажарилиши андеррайтердан махсус билим ва суғурталаш натижасини олдиндан башорат қилиш қобилиятини талаб қилади.

Скоринг тизими – бу суғурта компаниясининг суғурта ҳодисаларини башорат қилиш, суғурта қоидаларини, сиёсатини ва скоринг моделларини бошқариш, фирибгарлик рўй бериши имкониятларини аниқлаш ва мурожаатларни кўриб чиқишни тезлаштиришга имкон берадиган тахлилий марказдир. Тизимда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритилади: фирибгарликни аниқлаш, суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилиш ёхуд суғурталашни рад этиш, суғурта рискларини тахлил қилиш, мақбул суғурта ставкасини аниқлаш, рискларни суғурта қилиш шартларини аниқлаш.

¹¹ Абдуллаева Ш.З. Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил 2-бет.

¹² <http://insbizz.blogspot.com/> - суғуртага оид маълумотлар сайти

Қуйида скоринг тизими ёрдамида қарор қабул қилиш жараёни тасвирланган (2-расм).



2-расм. Скоринг тизими ёрдамида қарор қабул қилиш жараёни¹³

Суғурта компаниясида инновацияларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш, компаниянинг турли бўлимларида инновацион лойиҳаларни амалга оширилишини назорат қилиш ва компания ташқарисида ҳам, ичкарасида ҳам янги ғоялар тўғрисида маълумот тўплаш учун махсус бўлим яратилиши керак. Айнан ташкилотнинг интеллектуал салоҳияти янги ғояларни яратиш ва самарали инновацион жараёнларни амалга оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта компаниясининг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасини ташкил этишга қаратилган инновацияларни жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ўзаро таъсирнинг ёрқин намунаси бозорнинг бошқа иштирокчилари, хусусан банклар билан ҳамкорлик қилишдир. Суғурта бизнесининг турдош тармоқлар компаниялари билан интеграцияси инновацион ривожланишнинг энг илғор йўналишига айланиб бормоқда. Бу сотув каналларини диверсификация қилишга имкон беради, бунга уюшма аъзоси бўлган банк ваколатхоналари томонидан сотувни ташкил этиш орқали эришилади. Натижада, айнан истеъмолчи суғурта маҳсулотини сотиб олиш ёки олмаслик тўғрисида қарор қабул қилади ва буни асосан нарх/сифат нисбатини баҳолаган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон суғурта бозорини янада ривожлантириш учун мижозларга хизмат кўрсатишнинг инновацион йўналишларига эътибор қаратиш лозим, бу суғурталовчилар фаолиятида веб-интерфейс ва ёрдам дастурларидан фойдаланишни назарда тутати. Масофадан туриб фаолият юритиш учун суғурталовчиларнинг рақамли муҳитда ишлаш қобилияти талаб қилинади, ammo шу билан бирга талаб қилинадиган маслаҳатларни олиш, суғурта

¹³ <http://underwriting-congress.ru/> - андеррайтинг фаолиятига оид расмий сайт маълумотлари.

даъволарини қоплаш жараёнини кузатиш, ҳаётни суғурталашда жамғарма ҳисоб-варағи ҳолатини кузатиш имконини беради, суғурта маҳсулотининг ўзига хос жозибadorлигини ва суғурталовчи билан ўзаро алоқасини оширади, шунингдек, нафақат суғурталовчининг маъмурий харажатларини қискартиради, балки шартнома тузиш учун зарур бўлган вақтни ҳам тежайди.

Интернет суғурта маҳсулотларини сотишнинг янги канали ҳисобланади. Бозорга киришнинг интернет ҳисобига енгиллашуви бутун дунё суғурта бозорларида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Кучли рақобат суғурта компанияларини нархларни пасайтиришга мажбур қилади, бу эса истеъмолчилар эҳтиёжларида ижобий ақс этади. Электрон тижорат суғурталовчиларга харажатларни пасайтириш ва суғурта бозори «шаффоф»лигини оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда қабул қилинган ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатда соҳани тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган навбатдаги муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг суғурта тизими борасида бозорнинг етакчи компаниялари вакилларига берган кўрсатмалари асносида суғурта бозорини модернизация қилиш, уларнинг капиталлашув даражасини ошириш, суғурталовчилар тўлов қобилиятини яхшилаш, аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш вазифалари белгиланди.


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий маълумотларига кўра, 2020 йил давомида мамлакатда 40 нафар суғурта компанияси фаолият юритган бўлиб, уларнинг 8 нафари ҳаёт суғурта тармоғида ва 32 нафари умумий суғурта тармоғида юздан ортиқ суғурта маҳсулотларини суғурталанувчиларга тақдим этган (3-расм).



3-расм. Суғурта мукофотлари ҳажми динамикаси¹⁴

¹⁴ Расм <https://www.uzreport.news/economy> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

Ҳар қандай суғурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари дастлаб умумий тушум ҳажми билан белгиланади, суғурталовчиларнинг молия йили фойда ёки зарар билан яқунланишидан қатъий назар, мижозлар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари суғурта тизимига бўлган ишонч ва талабнинг мавжудлигини англатади. 2016 йилдан эътиборан 2020 йил январь ҳолатига суғурта бозорида чинакам ўсиш суръатлари кузатилган, айниқса сўнгги икки йил давомида суғурта мукофотлари миқдорининг умумий ҳисобда 140 фоизли ўсишига эришилган. Ҳаммага маълум бўлган 2020 йил бошида жаҳонда авж олган ва шу йилнинг март ойларидан бошлаб мамлакатда кузатилган эпидемиологик вазият туфайли иқтисодиётнинг барча секторлари каби суғурта соҳаси ҳам синовли даврни бошидан ўтказди. Суғурта соҳаси юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятида қанчалик муҳим рол ўйнамасин, у ўз мижозларидан етарли даражада даромадга эга бўлишни талаб этади. Пандемия муносабати билан барча жабҳада маълум муддат кузатилган узилишлар ва чекловлар аҳолининг даромадлилик даражасига сезилрли таъсир кўрсатди ва бу ўз-ўзидан суғуртага бўлган эҳтиёжнинг юзага келишига мутаносиб таъсир этди. Шу боис суғурта бозорида 2020 йил давомида ўтган даврга нисбатан 5 фоизга камайиш қайд этилган бўлиб, расм маълумотлари шуни кўрсатадики, камайиш ихтиёрий суғурта ҳиссасига тўғри келган, мажбурий суғурта эса аҳолининг айрим қатлами учун мажбурийлик тамойилига эга бўлганлиги учун тўлақонли бажарилган. Суғурта соҳасига мижозларни жалб қилишнинг энг самарали усули суғурта даъволарининг қисқа вақт ичида ижобий қондирилиши ҳисобланади. Суғурта даъволарининг ижобий қондирилиши, яъни юзага келган йўқотиш ва турли кўринишдаги зарарларнинг қопланиши шу хизматни амалга оширган ташкилотнинг рейтинги ошишига сабаб бўлади. 2016-2020 йилларда суғурта мукофотларининг ортиб бориши билан суғурта қопламалари миқдорининг ҳам ортиши кузатилган (4-расм).



4-расм. Суғурта қопламалари ҳажми динамикаси¹⁵

¹⁵ Расм <https://www.uzreport.news/economy> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

2020 йилда суғурта қопламаларининг ўтган йилга нисбатан кам миқдорда тўланганини суғурта шартномалари сонининг қисқарганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ суғурта қопламалари ҳажмининг пасайиши фақат ихтиёрий суғуртада кузатилган, мажбурий суғурта бўйича суғурта мукофотларида ўсиш кузатилгани каби суғурта қопламаларининг ҳам ошиши қайд этилган. Умуман олганда, суғурта қопламалари суғурта компанияларида зарарлилик кўрсаткичини ифодалайди, бу кўрсаткичнинг паст бўлиши тизимда тўловга лаёқатлилик даражасининг ортишини ва молиявий мустаҳкамликни тавсифлайди.

Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан унумли фойдаланиш юзасидан талаблар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғига мувофиқ тасдиқланган «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида»ги Низом ва шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. 2020 йилда суғурта бозорида шаклланган молиявий ресурсларнинг салмоқли қисми, яъни 53 фоизи банк депозитларига, 29 фоизи қимматли қоғозларга жойланган. Банк депозитларидаги иштирок суғурта бозорида кўп йиллардан буён етакчилик қилмоқда, буни суғурта компаниялари ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг самарали йўлга қўйилганлиги билан изоҳлаш мумкин (5-расм).



5-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция портфели тузилиши (2020 йил)¹⁶

¹⁶ Расм <https://www.uzreport.news/economy> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

Суғурта компанияларининг устав капитали уларни давлат рўйхатидан ўтказишда шакллантирилади. Устав капитали суғурта компаниялари учун фаолиятни бошлашнинг дастлабки босқичида асосий молиявий ресурс ҳисобланади. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан унумли фойдаланиш юзасидан талаблар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғига мувофиқ тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги, Молия вазирлигининг 2008 йил 20 ноябрда тасдиқланган ва 1882-сон билан давлат рўйхатида олинган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида»ги Низом ва бошқа шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. 2020 йилда суғурта бозорида шакллانган молиявий ресурсларнинг салмоқли қисми, яъни 53 фоизи банк депозитларига, 29 фоизи қимматли қоғозларга жойланган. Банк депозитларидаги иштирок суғурта бозорида кўп йиллардан буён етакчилик қилмоқда, буни суғурта компаниялари ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг самарали йўлга қўйилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Мамлакат суғурта компанияларининг устав капитали миқдорларининг ўсиш динамикаси навбатдаги расмда таҳлил этилади (6-расм).



6-расм. Суғурта компанияларининг жами устав капитали миқдори¹⁷

Ўрганилаётган даврда устав капитали миқдори ўсиш тенденциясини бажарган, 2016 йилда у 248,34 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 келиб бу кўрсаткич 6 баробарга ошган ва 1439,19 млрд.сўмни ташкил этган. Бу миқдор мамлакат суғурта бозорида фаолият юритадиган жами 40 нафар суғурталовчилар устав капиталининг умумий миқдори ҳисобланади. Устав капитали миқдори компанияларда миқдорлардан мажбурият қабул қилишнинг чегарасини белгилашини инобатга олиб айтиш жоизки, устав капитали ҳажми қанчалик катта бўлса, компаниянинг суғурталаш ҳамда молиявий салоҳияти ҳам шунчалик кенгайиб боради. Маҳаллий суғурталовчиларнинг

¹⁷ Расм <https://www.uzreport.news/economy> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

биргаликдаги устав капитали миқдорини мунтазам ошириб бориш Ўзбекистон суғурта бозорининг улкан молиявий салоҳиятини ифода қилади.

Суғурта жараёнларининг мураккаб, мижозларнинг эътирозларига сабаб бўладиган жиҳатларини аниқлаб, уларга мақбул ечимни топиш, замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда мижозлар талаби асосида улар учун қулай тартибда ва шартларда фаолиятни ташкил этиш ва суғурта хизматлари бозорини инновацион ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари диссертациянинг учинчи бобида атрофлича баён этилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта компанияларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш механизми»** деб номланган учинчи бобида суғурта хизматлари бозорини инновацион такомиллаштириш бўйича хориж тажрибаси ўрганилган, таҳлил этилган, шунингдек Ўзбекистон суғурта тизимида қўллаш мумкин бўлган жиҳатлар ёритилган. Шунингдек, суғурта бозорини инновацион ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилган.

Суғурта фаолиятини инновацион ривожлантириш тамойилларига жавоб берадиган, аммо корпоратив инновацион стратегия даражасига чиқмаган барча янги ғоялар, шубҳасиз, суғурта компанияси раҳбарияти томонидан рағбатлантирилиши муҳим аҳамиятга эга. Янгилик компанияда қўлланилиши ёки қўлланилмаслигидан қатъий назар раҳбарият янгиликни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этган ходимларни мукофотлаши керак. Бунинг учун инновацион стратегияни амалга ошириш, компаниянинг асосий фаолият жараёнларини оптималлаштиришга қаратилган янги ғояларнинг ҳисобини юритиш тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Унга кўра ишда янги ғояларни ёзиб олишнинг автоматлаштирилган корпоратив тизимини ишлаб чиқиш зарурлиги таклиф этилди. Янги ғояларни ёзиб олишнинг автоматлаштирилган тизимининг бир қисми сифатида муаллиф суғурта компаниясида янги ғояларни балли баҳолаш тизимини жорий этишни таклиф қиламиз, яъни:

1 балл – янги ғоя ходимнинг иш сифатини оширишга қаратилгани учун;

2 балл – ғоя компания бўлимининг иш унумдорлигини оширишга қаратилгани учун;

3 балл – ғоя суғурта компаниясининг маълум бир соҳаси учун масъул бўлган бутун бўлим ишини яхшилашга қаратилгани учун;

4 балл – ғоя компания стратегиясининг мақсадларини қондиришга, уни амалга ошириш ташкилот олдига қўйилган стратегик вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беришга қаратилгани учун;

5 балл – ғоя суғурта компаниясини ривожлантириш, суғурта хизматларини тақдим этишнинг янги йўналишларини очиш имкониятларини очгани учун.

Буларнинг барчаси пировард натижада суғурта компаниясининг интеллектуал салоҳиятидан максимал даражада фойдаланишни таъминлайдиган инновацион жараёнларни амалга ошириш бўйича юқори сифатли ишларни амалга оширишга имкон беради.

